



САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

О.О. Элмуродов,

*Муборак газни қайта ишлаш заводи,
Ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи*

CURRENT ISSUES OF ENSURING LIQUIDITY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

O.O. Elmurodov,

*Mubarak Gas Processing Plant,
Head of personnel management department*

JEL Classification: M1, M4, M45

Аннотация.

Саноат корхоналарининг таъминлаш улар узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу сабабли, саноат корхоналарининг газначилик тизимини такомиллаштиришда асосий эътибор уларнинг ликвидлигини таъминлашга қаратилади.

Мақолада республика саноат корхоналарининг ликвидлигини таъминлашга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Abstract. Ensuring the liquidity of industrial enterprises is a prerequisite for ensuring the continuity of their activities. Therefore, when improving the treasury system of industrial enterprises, the main attention is paid to ensuring their liquidity.

The article develops scientific proposals aimed at ensuring the liquidity of industrial enterprises of the republic.

Калим сўзлар: *саноат корхонаси, ликвидлик, пул маблағлари, дебитор қарздорлик, кредит, инфляция, фoиз ставкаси.*

Key words: *industrial enterprise, liquidity, cash, accounts receivable, credit, inflation, interest rate.*

Кириш. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида миллий

иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг зарурий шarti сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, саноат корхоналарининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Материал ва метод.

И.Трушинанинг хулосасига кўра, саноат корхоналарида ликвидликни бошқаришнинг асосий принциплар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- муқобиллик принципи;
- пул маблағлари оқимини мувофиқлаштириш принципи;
- лойиҳани таҳлилнинг турли мезонлари ва даражалари бўйича баҳолаш (техник, тижорат, макроиқтисодий, микроиқтисодий, молиявий, ижтимоий, экологик);
- халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган баҳолаш усулларидан фойдаланиш;
- лойиҳа билан боғлиқ бўлган ноаниқликларни ва рискларни ҳисобга олиш принципи [2].

Проф. О.Лаврушиннинг фикрига кўра, қайта тақсимлаш функцияси туфайли кредит бутун иқтисодий

тизимни, шу жамладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган моддий шарт-шароитларни юзага келтиради [3].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг ривожланмаганлиги саноат корхоналари фаолиятининг узлуксизлигини, шу жумладан ликвидлилигини таъминлашга тўсқинлик қилади [4].

Н.Каримовнинг хулосасига кўра, республикада кўпгина инвестицион лойиҳаларга қилинган капитал харажатлар ўзини оқламаганлиги (Масалан, йилига 3840 тонна канава тайёрлаши лозим бўлган «Пап Фен» кўшма корхонасига 2000 йил давомида 160 минг АҚШ доллари миқдоридан тушум тушган холос; «Болалар таомлари Холдинг» компаниясига бир нечта консерва заводлари базасида болалар таомлари ишлаб чиқариш учун 2 йил ичида 34 млн. АҚШ доллари харажат қилинган ва ҳеч қандай ижобий натижа олинмаган) саноат корхоналарининг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсир кўрсатди [5].

Ж. Мажидовнинг хулосасига кўра, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди [6].

Ф.Холмаматовнинг хулосасига кўра, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаси билан иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналарнинг рентабеллик даражаси мос эмас [7]. Ҳақиқатдан ҳам, миллий валютанинг қадрсизланиш суръати ва инфляция даражасининг юқори эканлиги республикадаги корхоналарида, шу жумладан, саноат корхоналарида таннарх миқдорининг ошишига олиб келди.

Натижалар. Саноат корхоналарининг ликвидлилигини баҳолашда ликвидлик коэффициенти ва қоплаш коэффициенти кенг фойдаланилади.




1-расм. “Ўзметкомбинат” АЖда ликвидлик ва қоплаш коэффициентларининг даражалари¹

¹ Расм муаллифи томонидан Ўзметкомбинатнинг баланс ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

1-расм маълумотларидан кўринадикки, “Ўзметкомбинат” АЖда ликвидлик коэффициенти 2021 йилда 2020 йилга нисбатан пасайган, бироқ, 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. “Ўзметкомбинат” АЖда қоплаш

коэффициенти 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Ушбу пасайиш мазкур даврда жорий активларнинг ўсиш суръатини жорий мажбуриятларнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади.




2-расм. “Ўзметкомбинат” АЖда дебитор қарздорлик миқдорининг ўзгариши, млрд. сўм²

2-расм маълумотларидан кўринадикки, “Ўзметкомбинат” АЖда дебитор қарздорликнинг 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2022 йилга нисбатан 2021 йилда дебиторлик қарздорлиги кескин ошишига асосий сабаблардан бири сифатида харидор ва буюртмачиларнинг “Ўзметкомбинат” АЖ олдида қарздорлигини кескин ошиши (927,71 млрд.сўмга), ҳамда жамиятнинг мол

етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлари миқдорининг кескин ортганлиги (547,32 млрд.сўмга) билан изоҳланади. Бу эса жамият айланма маблағлари айланиш тезлигига

Таъкидлаш жоизки, саноат корхоналарининг ликвидлигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб, таннархнинг ва соф фойданинг тушумга нисбатан салмоғининг ўзгариши ҳисобланади.

² Расм муаллифи томонидан “Ўзметкомбинат” АЖнинг баланс ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.



3-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖда таннархнинг ва соф фойданинг маҳсулотларни сотишдан олинган тушум ҳажмидаги салмоғи, фоизда³

3-расм маълумотларидан кўринадики, 2021 ва 2022 йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖда таннархнинг маҳсулотларни сотишдан олинган тушум ҳажмидаги салмоғи нисбатан жуда юқори бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич

2022 йилда 2019 йилга нисбатан юқори суръатда ошган. Бу эса, “Ўзбекнефтгаз” АЖ фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал

“Ўзбекнефтгаз” АЖ жорий активларининг таркиби, фоизда, млрд. сўм⁴

| Жорий активлар | 2018й. | 2019й. | 2020й. | 2021й. | 2022й. |
|------------------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|----------|
| Товар-моддий захиралар | 0,1 | 4,5 | 4,6 | 3,9 | 3,8 |
| Дебитор қарздорлик | 78,1 | 47,1 | 30,4 | 30,9 | 42,2 |
| Пул маблағлари | 3,1 | 9,9 | 25,8 | 25,1 | 30,9 |
| Қисқа муддатли молиявий қуйилмалар | 18,0 | 6,8 | 17,8 | 19,4 | 5,0 |
| Бошқа жорий активлар | 0,7 | 31,7 | 21,4 | 20,7 | 18,1 |
| Жорий активлар - жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | х |

³ Расм муаллиф томонидан “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

⁴ Жадвал муаллиф томонидан “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалдан яққол кўринадикки, “Ўзбекнефтгаз” АЖ жорий активларининг таркибида 2018-2022 йилларда нисбатан юқори салмоқни дебитор қарздорлик эгаллаган. Бу эса, унинг фаолиятини барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвалдан яққол кўринадикки, “Ўзбекнефтгаз” АЖ жорий активларининг таркибида 2018-2022 йилларда пул маблағларининг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг фаолиятини барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Хулосалар. Илмий тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

- кўпгина инвестицион лойиҳаларга қилинган капитал харажатлар ўзини оқламаганлиги саноат корхоналарининг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсир кўрсатди;

- миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди;

- “Ўзметкомбинат” АЖда ликвидлилик коэффициенти 2021 йилда 2020 йилга нисбатан пасайган, бироқ, 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган;

- “Ўзметкомбинат” АЖда қоплаш коэффициенти 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайганлиги мазкур даврда жорий активларнинг ўсиш суръатини жорий

мажбуриятларнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади;

- “Ўзметкомбинат” АЖда дебитор қарздорликнинг 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги харидор ва буюртмачиларнинг “Ўзметкомбинат” АЖ олдида қарздорлигини кескин ошганлиги билан изоҳланади;

- “Ўзбекнефтгаз” АЖ жорий активларининг таркибида 2018-2022 йилларда нисбатан юқори салмоқни дебитор қарздорлик эгаллаганлиги унинг фаолиятини барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

- “Ўзбекнефтгаз” АЖ жорий активларининг таркибида 2018-2022 йилларда пул маблағларининг салмоғини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги унинг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, саноат корхоналарининг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Саноат корхоналарининг жорий активлари ҳажмида пул маблағларининг салмоғини ошириш мақсадида, биринчидан, дебитор қарздорлик билан кредитор қарздорликнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш керак; иккинчидан, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг ҳажмини ошириш лозим; учинчидан, саноат корхоналарининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш лозим.

2. Саноат корхоналарининг жорий ликвидлилик даражасини ошириш учун, биринчидан, жорий активларнинг ўсиш суръати билан жорий мажбуриятларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; иккинчидан, юқори ликвидли қисқа



муддатли қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар ҳажмини ошириш йўли билан жорий активлар ҳажмини ошириш керак; учинчидан,

кредитор қарздорликнинг айланиш тезлигини ошириш йўли билан кредитор қарзларнинг жорий мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Трушина И.А. Анализ и обобщение опыта проектного финансирования промышленных предприятий//Вестник АГТУ. – Москва, 2017. – №2.
3. Лаврушин О.И. Роль кредита в экономическом развитии//Банковское дело. – Москва, 2011. - №2. - С. 36.
4. Тироль Ж. Теория корпоративных финансов. Пер. с англ. – М.: Дело, 2017. – С. 132-133.; Косой А.М. Платежный оборот: исследование и рекомендации. Монография. – М.: КНОРУС, 2012. - 296 с.; Маликов Т.С. Молия. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси. –Тошкент,: Молия, 2009. – 660 с.
5. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмини жорий этиш масаллари. Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2007. – 174 б.
6. Мажидов Ж.К. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш йўллари. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 22.
7. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. –Б. 25.